

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**  
**Бухоро давлат университети**  
**Филология факультети**  
**Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси**

## **ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА**

Республикамизда танилган фольклоршунос оима,  
филология фанлари доктори, профессор Дармоной  
Ўраеванинг 55 йиллигига бағишиланади

**“Дурдона” нашриёти**  
**Бухоро – 2021**

Ушбу тўплам республикамида танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллиги муносабати билан тартиб берилган. Китоб устозлар, дўстлар, ҳамкаслар, шогирдлар ва яқинларининг олима ҳақидаги дил сўзларидан таркиб топган.

**Масъул муҳарир:**  
ф.ф.д, проф. Дилрабо Қувватова

**Тақризчилар:**  
ф.ф.д, доц. Дилшод Ражабов,  
ф.ф.д, доц. Ҳусниддин Эшонқулов,  
ф.ф.н., доц. Маърифат Ражабова

**Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:**  
ф.ф.ф.д. Отабек Файзуллаев,  
ўқит. Акмал Жумаев,  
ф.ф.ф.д. Наргиза Кадирова

**Университет илмий кенгашининг 2021 йил 4-майдаги  
14-сон йигилиши қарори асосида нашрга тавсия этилган.**

## **Эл дурларин қадрлаган олима**

олима аёл қиёфасини балки, ёқимли овоз, юксак дид эгаси, қолаверса, шарқ хотин-қизларига хос ибо ва нафосатнинг тимсолини кўргандек бўлдим.

Дармоной опа билан илк учрашганим эсимдан чиқмайди. Мен билан кўпдан бери таниш қадрдон опа-сингилдек кўришиб муомала қилдилар. Менинг назаримда, барча аёлларга, илм аҳлига бўлган самимий ҳурматларининг намунасини кўргандек бўлдим. Айниқса, майин ва ширали овоз, сухбатдошига бўлган чексиз ҳурмат ва кўзларидаги кулгу кишида катта таассурот қолдиради. Сухбат қилган сари сухбатлашгинг келаверади. Дармоной опа адабиётшунос олима сифатида ҳам, она сифатида ҳам ўзининг фидоийлигини ва заҳматкашлигини кўрсата олган АЁЛдир.

Бугун ушбу номни поклаб, нафақат оиласи, фарзандлари учун, балки эркаклар билан бир сафда туриб, она юртимиз истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, бор куч ва маҳоратини кўрсатиб, иқтидори гўзалликлар яратаБтган аёлларимиз сафида биринчилардан турган олима опамизга чексиз ҳурматдамиз. Бундай аёлларимиз она ватан фахру ифтихорлари, ору номуслариidlар.

### **DILKASH AYOL HAQIDA IKKI OG'IZ SO'Z...**

**Dilorom Yo'ldosheva,  
BuxDU professori**

Muqaddas Qur'oni Karimda odamlarga nisbatan ochiq chehrali, shirin so'zli bo'lish haqida shunday deyiladi: "Mo'minlar uchun qanotingizni past tuting (ya'ni mudom kamtar, tavozeli bo'ling)" (Hijr surasi, 88-oyat). Zotan, kamtarlik atrofdagilarga nisbatan ochiq chehrali, shirin suxanli bo'lishni taqozo etadi.

Shu o'rinda tavozeli bo'lish haqida biroz to'xtalsak. *Tavozeli yasama sifatining asosini tashkil etuvchi so'z, aslida, tilimizga arab lisonidan ko'chgan bo'lib uning lug'aviy mazmunida "o'zini past olish", "itoat qilish" degan ma'nolar mujassam.* Lug'at izohlarida keltirilishicha, *tavoze* deganda insonning mansabi, el aro ulug'ligi talab etib turgan holatdan chiqishi va oddiy odamlar maqomiga tushishi, kamtar bo'lishi nazarda tutiladi.

Kamtarlik Yaratganning ulug'vorligi oldida o'zini xokisor his etgan bandalargagina xosligini bilamiz. Kamtarlikni kasb etgan odam ochiq chehrali, shirin kalomli, katta-kichikka nisbatan tavozeli bo'lishi, u har qanday manmanlik, g'urur-u kekkayish, xudbinlik va kibr-u havodan yiroqligi ham bor gap, aslida.

Buxoroning o'ziday vazmin-u, ko'kka bo'y cho'zgan minorlariday ulug'vor, ilmi xalq og'zaki ijodining baquvvat chinorlariga bog'langan, shohlari egilibgina turgan mevali daraxtdek serhosil; filologiya fanlari doktori, professor, ajoyib pedagog-olima Darmonoy opam, yuqorida izohini berganimizdek, ochiq chehrali, shirin so'zli, muqaddas bitikda talab etilganidek, mudom kamtar va tavozeli insonlardan biri.

...Fakultetga kirib kelaverar ekanman, har doim Darmonoy Saidahmedovnaga duch kelganimda kayfiyatim ko'tariladi. U kishining samimiylatlaridan dilim yayraydi. Va yana sohamga tegishli yangiliklardan ham boxabar etadilar. Tom ma'noda, chin olimlarga xos, ustozlarga mos muomala-munosabat qiladilar. Qaysidir nashrda chiqqan maqolang yoki biror kitobing borasida so'z aytadilar, mulohaza bildiradilar. (Ha, ba'zan o'zining biror to'plamda chiqqan maqolasini o'qib ko'rish u yoqda tursin, mundarijadan tekshirib oladigan "unvonli"lar ko'paygan bir davrda Darmonoy opamning erinmasdan o'qishlari, uqishlari, ijobiy tahlil-u tavsiflari kishini hayratga ham soladi.)

Hazrat mir Alisher Navoiy demishlar:

*Bu gulshan ichra yo'qdur baqo guliga sabot,*

*Ajab saodat erur qolsa yaxshiliq bila ot.*

Ha, hazrat topib aytganlaridek, bu dunyoda abadiy qolmoq mumkin emas, biroq yaxshi nom qoldirmoq katta saodatdir.

Jismi joni og'rib turganda ham, taqdir tegirmonida aylantirganda ham kulib tura olgan ayol, farzandi uchun bedor tunlarini ilm bilan bezagan olima ona, o'z tashvishlaridan ortib hamkasbining holini so'rashga o'zida rag'bat topa olgan inson, shogirdlar olamidan bog' yarata olgan bog'bon ustoz-muallima Darmonoy Saidahmedovna O'rayeva o'zidan yaxshi nom qoldirishdek katta saodat yo'lini tanlaganliklari tahsinga sazovor.

Tavallud ayyomingiz, qutlug' yoshga qo'ygan qadamingiz muborak bo'lsin. Ilm karvonidagi barcha safdoshlarimiz Sizning

yuz yoshli tantanalaringizda ham yoningizda bo'lish baxtiga musharraf bo'lsinlar.

4-may, 2021-yil.

## **ИЛМ АҲЛИНИНГ ДАРМОНИ БЎЛГАН ДАРМОНОЙ**

**Хонзода Қўзиева**

Олий ва ўрта маҳсус таълими фидойиси

**Меҳринисо Киличева**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), БухДУ

– Дармоной исми Бухоронинг қарлуқ-чиғил лаҳжасида гаплашадиган аҳолиси орасида деярли учрамайди. 1984 йилнинг сентябри – олийгоҳда ўқишининг дастлабки кунлари эди. Ўша даврларда ҳар йил ўқув йилиниг бошидаёқ бутун олийгоҳ талабаларининг диққати янги қабул қилинганларга қаратилар эди. Биринчи курсларга қанақа талабалар – билими, иқтидори, истеъоди билан ажралиб турувчиларнинг қабул қилинганига ҳамманинг қизиқиши баланд, олийгоҳнинг бўлажак олд талабалари ҳақидаги хабарларни эшитишга ҳамма муштоқ эди. БДПИ (ҳозирги БухДУ)нинг ўзбек филологиясининг биринчи курсига Дармоной Ўраева исмли шоира қиз имтиёз асосида ўқишига қабул қилингани ҳақидаги хабар факультет талабалари орасида тез тарқади. Ҳамма қизиқувчан талабаларнинг кўзи Дармонойни қидиради. Ҳамманинг оғзида ҳайратомуз гаплар: шоира экан, китоблари ўқувчилик давридаёқ чиққанмиш, Республика олимпиадаси ғолиби бўлган экан, мактабни олтин медаль билан битирган экан-а, исми қизиқ – Дармон эканми, қаердан экан-а, ким кўрди, чиройли қизми?! Дармонойни кўрганлар ҳайратда “наҳотки шу миттигина қизча” ҳақида айтилганлар рост бўлса?! Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, Дармоной озғингина, жуссаси нозик, соchlари тақимини ўпган, гуруҳ журналини қучоқлаганча, баланд пошнали оёқ кийимида майин қадам ташлаб деканат томон келаётгани кўз олдимда, гўё шамол хур этса учиб кетадиган ҳарир мисоли эди. Аммо шу нозиккина қизчанинг гаплари эса салмоқли, овози қўнғироқдек жарангли, ширадор эди.

**МУНДАРИЖА**

Обиджон Хамидов. Заковатли олима ва маҳоратли педагог ....	3
С. Қ. Қаҳҳоров. Ҳурмат ва эъзозга лойиқ муаллима.....	5
О.С.Қаҳҳоров. Фидоий устозга эҳтиром .....	7
 <b>УСТОЗЛАР ЭЪТИРОФИ.....</b>	 <b>9</b>
О.Сафаров. Садоқат – шогирд камолининг сарчашмаси.....	9
Маматқул Жўраев. Дармоной Ўраеванинг илмий ижоди ва унинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўрни.....	15
Salima Mirzayeva, Zilola Eshanova. Ilmni e'zozlagan ayol .....	25
Тўлаганова Захира, Тўлаганова Дилфузা ва Абдуқобил Тўлагановлар оиласи. Табаррук ёшингиз билан .....	28
Жума Ҳамроҳ, Акмал Шерназаров. Севимли халқининг ижодини тадқиқ этган олима.....	29
Нафас Шодмонов. Замонамиз орифаси .....	34
Шавкат Ҳасанов. Саодатга элтувчи йўл .....	39
С.С.Саидов, Д.Х.Каримова. Эҳтиромга лойиқ истеъод .....	40
 <b>ҲАМКАСБЛАР ВА ДЎСТЛАР ЭҲТИРОМИ.....</b>	 <b>43</b>
Дилрабо Қувватова. Илм ва одамийлик нурига йўғрилган умр .....	43
Шоҳида Шаҳобиддинова. Дўстим Дармон .....	58
Д.З. Ражабов. Барчиной опам (ҳаётый эртак) .....	58
Ҳилола Сафарова. Устоз назари тушган шогирд.....	60
Islomjon Yoqubov. Qurb va imkon kengliklari .....	63
Сарiev Санъатжон Матчонбоевич. Фольклоршунослик дарғаларига муносиб издош .....	68
Abuzalova Mehriniso Kadirovna. O'zbek folklorshunosligining fidoyi qizi .....	70
Ғайрат Муродов. Илм саодати .....	72
Hayitov Shavkat Ahmadovich. "Osuda andin yoru ag`yor ..." .....	75
Nazarova Saida Axmedjanovna. Men tanigan Darmonoy O'rayeva .....	81
А.А.Ҳайдаров. Илмга бахшида умр .....	82

## **Эл дурларин қадрлаган олима**

Курбонова Манзила Бакиевна. Бухоро әлиниңг фольклоршунос олимаси.....	84
Гулчехра Имомова. Хокисорим – қиёматли синглим .....	85
Шаҳноза Қаҳҳорова. Фариштадан аъло опам.....	89
Шоҳида Каромова. Фахру эътирофга лойиқ аёл.....	91
Dilorom Yo'ldosheva. Dilkash ayol haqida ikki og'iz so'z.....	93
Хонзода Қўзиева, Мехринисо Киличева. Илм аҳлининг дармони бўлган Дармоной .....	95
Байрамали Қиличев. Бахтиёр олима.....	97
Гадоева Мавлуда Ибрагимовна. Қиёсий фольклоршунослик тараққиётида Дармоной Ўраеванинг ўрни .....	98
Ражабова Маърифат. Илтижойим, бер муродин, Дармонойимни Эгам! .....	101
Амонова Зилола Қодировна. Исми ҳаёт йўлига туташ олима.....	106
Жамилова Башорат. Агар устоз андин рози, тенгри розидир.....	107
Шарипова Лайло. Эътирофга лойиқ олима .....	112
Гулбаҳор Худойназарова. Илмига ҳавас қилган дугонам, ҳавасларим эвазига тутинган дўстим .....	114
Бекова Наззора. Бетакрор олима опамиз .....	116
Латифа Худайқурова, Шаҳодатбону Имомназарова. Зиёли аёл миллатни тарбиялайди .....	119
Зебинисо Расулова, Мунис Жўраева. "Катта юрак" соҳибаси .....	121
Йўлдош Раҳматов. Устоз йўлини тутмоқ – шогирд иқболи .	124
Насиба Турсунова. Инсонийликнинг энг олийжаноб хислатлари.....	129
Мехринисо Ризаева. Фольклоршунос олима .....	131
M.Y.Ro'ziyeva. So'zida sehri, ko'zida mehri bor ustoz!	132
Hasanova Gulnoz Qosimovna. Ustozga bag`ishlab dil izhorlarim .....	135
N.I.Gaybullayeva. Sabrdan sayqallangan olima.....	138
Ҳаёт Латипов. Устоз.....	139
Қодирова Насима Сайдбурхоновна. Таъзим сизга, азиз устоз... .....	140

## **ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА**

Республикамизда танилган фольклоршунос олима,  
филология фанлари доктори, профессор Дармоной  
Ўраеванинг 55 йиллигига бағишиланади

*Muharrir:*

*A. Qalandarov*

*Texnik muharrir:*

*G. Samiyeva*

*Musahhih:*

*Sh. Qahhorov*

*Sahifalovchi:*

*M. Ortiqova*

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 09.03.2021. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Palatino Linotype» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 17,2. Adadi 100. Buyurtma №126.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi  
“Durdon” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45